

Она сутининг мўъжизавий хоссаларидан бири: Унда касалликка қарши курашувчи антитаначалар мавжуд



11:03 / 15.08.2020 2029

Фарзанд Аллоҳ берган улуғ неъматдир. Ота-она бу неъматга шукр қилишлари лозим. Шукрнинг асосийси фарзандни неъмат берувчи Зот – Аллоҳнинг розилигини қозонадиган қилиб тарбиялашдир. Тарбия эса эмизидан бошланади. Гўдакнинг ҳақларидан бири ва онанинг энг мўътабар вазифаси фарзандни икки йил эмизидир.

Янги туғилган гўдакнинг жисми ва руҳининг ўсишига онасининг сутидан афзал озуқа йўқ. Боланинг суяги онанинг сути билан шаклланади, шунингдек, унинг бошқа тарафлари, руҳий ривожланишига ҳам она сути зарур озуқа ҳисобланади.

Ушбу озуқанинг муддати тўлиқ икки йил бўлиши керак. Бу Қуръоний ҳақиқатни адашган инсоният бир минг тўрт юз йилдан кейин тушуниб етди. Ҳозирги пайтда бир неча йиллик илмий текширишлардан сўнг олимлар «Гўдак бола учун энг яхши озуқа онанинг сути ва уни тўлиқ икки йил эмизиш керак» деган гапни айтишмоқда. Бунинг Аллоҳнинг Ўзи Қуръони Каримда айтиб қўйган. **«Оналар фарзандларини тўлиқ икки йил эмизурлар. (Бу) эмизшни батамом қилмоқчи бўлган киши**

учундир». (Бақара сураси, 233-оят) «Тафсири Ҳилол»дан.

Аллоҳ таолонинг яратишини қарангки, она сутининг ҳарорати билан гўдакнинг ҳарорати бир хилда, на иссик ва на совук, бу илиқ сут на ачийди ва на совиб қолади. Кундузи-ю кечаси бир хилда камайиб, кўпайиб бораверади.

Она гўдакнинг очикқанини у йиғламасидан олдин, гарчи йироқда бўлса ҳам, бир неча дақиқа олдинроқ ҳис қилади. Она сутининг фойдали хусусияти ҳеч бир жонзот сутининг калориясига тенглаштирилмайди.

Ушбу маълумотлар билан танишиш асносида юртимиздаги [@koronavirusinfouz](https://t.me/koronavirusinfouz)да бир маълумот ўқиб қолдим.

Унга кўра, ЖССТ она сутида касалликка қарши курашувчи антитаначалар мавжудлигини айтиб, чақалоқларни кўкрак сути билан эмизишни тавсия қилаётган экан.

Мутахассислардан бири, Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси Барно Абдусаматованинг қуйидаги сўзларини келтирилади:

«Ҳомиладор аёллар билан биргаликда чақалоқларда ҳам коронавирусга чалиниш кузатилмоқда. Лекин бу жуда минимал фоизни ташкил этади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти она коронавирус билан касалланган бўлса ҳам, янги туғилган болани кўкрак сути билан эмизишни тавсия этмоқда. Чунки кўкрак сутида жуда кўп иммуномодулинлар ва ўша касалликка қарши курашувчи антитаначалар мавжуд. Шу боис онанинг биринчи сути — «биринчи эмлаш», деб номланади.

Биз ўз тажрибаларимизда шунга амин бўляпмизки, она сути билан озиқланган чақалоқларда вакцинацияга ўхшаган ҳолат кузатилмоқда. Коронавирус билан касалланган онадан туғилган чақалоқлардан 12-24 соат ичида тест оламиз, 24 соатдан кейин такрорий тест оламиз. Такрорий тестлардан биляпмизки, чақалоқлар касаллик билан ўзлари курашиш қобилиятига эга экан».

Она сути ҳақидаги дастлабки маълумотлар Ибн Синонинг қўлёзмаларида ҳам қайд этилган. У она сутини қуёш нурига қиёс қилган, чунки ер юзидаги барча тирик мавжудот (ўсимликлар дунёси) учун қуёш нури қанчалик зарур бўлса, ўсаётган гўдак учун она сути шунчалик зарур.

Она сути енгил ҳазм бўладиган, тўйимли, турли микроблардан холи, пишириш ва иситишни талаб қилмайдиган тайёр озуқа. Унда 100 дан ортиқ моддалар бўлиб, у фақат миқдор жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам боланинг ёшига, соғлигига мос келади.(@medlife.uz)

Бу мавзуда ҳали анча сўзлаш, кўплаб тиббий, руҳий фойдаларини санаш мумкин. Хулоса қиладиган бўлсак, «**Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир**» (Бақара сураси, 148-оят.)

Манба: islom.uz, koronavirushinfouz

Бобур Аҳмад